

Маълумот тартиб рақами - 03

Эмитентнинг номи	“Агробанк” акциядорлик тижорат банки		
Жойлашган ери (почта манзили)	100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй.		
Хабар рақами -	03		
Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар		
умумий йиғилиш тури (йиллик, навбатдан ташқари)	Йиллик		
умумий йиғилиш ўтказиш шакли	Очиқ		
умумий йиғилиш ўтказиш санаси	2014 йил 20 июнь		
умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана	2014 йил 30 июнь		
умумий йиғилиш ўтказилиш жойи	100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уйда жойлашган “Агробанк” АТБ биносининг мажлислар зали.		
умумий йиғилиш кворуми	170 239 367 та овоз ёки 74,45 фоиз		
овоз беришга қўйилган масалалар	овоз бериш яқунлари (фоиз, овозлар сони)		
	ёқлаган	қарши	бетараф
1. Банкнинг 2013 молиявий йилдаги фаолият яқунлари бўйича ҳисобот ҳамда 2014 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0
2. Банкнинг йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида	99,61 фоиз, 169 576 580 та овоз	0,39 фоиз, 662 787 та овоз	0
3. Банкнинг 2014 йилга ташқи аудиторини тасдиқлаш ҳамда унинг хизмат ҳақи миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0
4. Банкнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0
5. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида	X	X	X
6. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0
7. Банк Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0

муддатини узайтириш тўғрисида			
8. Банкнинг янги таҳрирдаги Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши, банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомлари ва банкнинг Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ҳамда банкнинг Тафтиш комиссияси, Санок комиссияси, Умумий заҳира фонди, Капиталлашув жамғармаси тўғрисидаги Низомларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	100,0 фоиз, 170 239 367 та овоз	0	0
Кумулятив овоз беришга қўйилган масалалар (кузатув кенгашига аъзолар сайланаётганда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, номзод акциядор бўлган холда эса, унга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилади)		Кумулятив овоз беришда овозлар сони	
1. Мирзиёев Шавкат Миромонович – Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири			178 617 217 та овоз
2. Абдуллаев Меҳриддин Раззакович – Молия вазирининг ўринбосари			177 233 532 та овоз
3. Лавозимига кўра - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари			169 034 626 та овоз
4. Эшматов Муродилло Ёқубович – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари			169 034 627 та овоз
5. Омонов Фарход Ботирович – “Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раиси, банкнинг 10 160 дона имтиёзли акцияларига эга			169 034 627 та овоз
6. Ганиходжаев Ботирхон Фатхуллаевич – Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари			164 065 684 та овоз
7. Холмурадов Акмал Арсланович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармаси директори			169 034 627 та овоз
8. Абдуқодиров Баходир Абдувахобович – “Ўзағромашсервис” уюшмаси бошқаруви раиси			164 065 684 та овоз
9. Қудратов Эркин Қулназарович – “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси раиси			170 008 457 та овоз
10. Каримов Фарход Фатхуллаевич – “Ўзагросуғурта” компанияси раиси			172 264 589 та овоз
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни			
I. Банкнинг 2013 молиявий йилдаги фаолият яқунлари бўйича ҳисобот ҳамда 2014 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш			
<p>1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг Банкнинг 2013 молиявий йилдаги фаолият яқунлари бўйича ҳамда 2014 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.</p> <p>Банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида, хусусан банкнинг капиталлашувини ошириш бўйича умумий капитални ошириш, ресурс база, активлар ва кредит қўйилмаларни кўпайтириш, банк томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, уларни модернизация ва реконструкция қилиш мақсадида</p>			

қўшимча инвестиция киритиш, янги иш ўринларини яратиш, мазкур корхоналарни салоҳиятли инвесторларга босқичма-босқич тўлаш шарти билан сотиш юзасидан қилинган ижобий ишлари маъқуллансин.

2. Банк Кенгаши зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, омонатчилар, кредиторлар ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банкнинг активлари, мажбуриятлари ва 2014 йил Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда банк Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

3. Банк Бошқаруви (А.Тамикаев) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасида қилган маърузаси, шунингдек “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

- банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида акцияларнинг янги эмиссиясини чиқариш ва жойлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- банк фойдасини кўпайтириш ҳамда унинг асосий қисмини банкнинг капиталлашувига йўналтириш орқали банк капиталини ошириш;

- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ҳажмини 30 фоизга ошириш, жумладан муомалага чиқирилган депозит сертификатларини тўлиқ жойлаштириш;

- банк активлари, шу жумладан кредит портфели сифатини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни кўриб бориш;

- нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ҳамкорлик ишларини янада кенгайтириш ҳамда улар томонидан берилган баҳоларни мунтазам равишда ошириб бориш чораларини кўриш;

- банкнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини кенгайтириш;

- банк балансига олинган ва салоҳиятли инвесторларга босқичма-босқич тўлаш шарти билан сотилган корхоналар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратиш ҳажмини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш;

- аграр секторни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириш, фермерлик харакатини қўллаб қувватлаш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

- банк хизматларининг янги турларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳисобига салоҳиятли мижозларни жалб қилган ҳолда даромадлиликни ошириш;

- нақд пул муомаласини такомиллаштириш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш;

- “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш.

4. Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилишида билдирилган таклифларни, шу жумладан банкнинг эскирган биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, банк тизимига энг сўнги илғор информацион технологияларини мунтазам татбиқ этиб бориш, кадрларни ҳорижий тажрибалардан келиб чиқиб малакасини ошириб боришни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда ижросини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин.

II. Банкнинг йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида

1. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи ҳамда банкнинг 2013 йилги 5 756,8 млн. сўм фойдасини қуйидагича тақсимлаш тасдиқлансин:

- имтиёзли кредитлаш жамғармасига 1 151,4 млн. сўм, 20,0% ;
- умумий захира фондига 287,8 млн. сўм, 5,0% ;
- имтиёзли акция эгаларига дивиденд сифатида 143,8 млн. сўм, 2,5%;
- банкнинг устав капиталини акциялар номинал қийматини 1150 сўмдан 1168 сўмга ошириш йўли билан кўпайтириш учун 4 124,7 млн. сўм, 71,6%;
- тақсимланмаган фойдада қолдириш учун 49,1 млн. сўм, 0,9%.

2. Банкнинг бир дона имтиёзли акциясига 287,50 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилансин ҳамда 2014 йил 23-июндан 2014 йил 23-августга қадар ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўловлари амалга оширилсин.

3. Банк устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ҳамда тегишли ҳужжатларни тасдиқлаш бўйича қарорларни қабул қилиш банкнинг янги таҳрирдаги Уставига мувофиқ банк Кенгаши зиммасига юклатилганлиги инобатга олинсин.

III. Банкнинг 2014 йилга ташқи аудиторини тасдиқлаш ҳамда унинг хизмат ҳақи миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида

1. “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2014 йил фаолияти натижаларини МХХС бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун амалдаги қонунчиликка асосан “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси банк аудитори этиб белгилансин.

2. “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси билан аудиторлик хизмати учун 140000 (бир юз қирқ минг) АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ошмаган миқдоригача шартнома тузиш вазифаси банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

IV. Банкнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида

1. Тафтиш комиссиясининг банкнинг 2013 йилги фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Тафтиш комиссияси ҳисоботида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифалари топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин.

V. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида

Банк Кенгаши таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

- | | |
|--------------------|---------------|
| 1. Мирзиёев Ш.М. | - 178 617 217 |
| 2. Абдуллаев М.Р. | - 177 233 532 |
| 3. Лавозимига кўра | - 169 034 626 |
| 4. Эшматов М.Ё. | - 169 034 627 |

- | | | | |
|-----|------------------|---|-------------|
| 5. | Омонов Ф.Б. | - | 169 034 627 |
| 6. | Ганиходжаев Б.Ф. | - | 164 065 684 |
| 7. | Холмурадов А.А. | - | 169 034 627 |
| 8. | Абдуқодиров Б.А. | - | 164 065 684 |
| 9. | Қудратов Э.К. | - | 170 008 457 |
| 10. | Каримов Ф.Ф. | - | 172 264 589 |

Банк Кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | | |
|-----|------------------|---|---|
| 1. | Мирзиёев Ш.М. | - | Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, Кенгаш раиси |
| 2. | Абдуллаев М.Р. | - | Молия вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари |
| 3. | Лавозимиға кўра | - | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари |
| 4. | Эшматов М.Ё. | - | Марказий банк раисининг ўринбосари |
| 5. | Омонов Ф.Б. | - | “Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раиси |
| 6. | Ганиходжаев Б.Ф. | - | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари |
| 7. | Холмурадов А.А. | - | Молия вазирлиги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси директори |
| 8. | Абдуқодиров Б.А. | - | “Ўзагроماشсервис” уюшмаси бошқаруви раиси |
| 9. | Қудратов Э.К. | - | “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси раиси |
| 10. | Каримов Ф.Ф. | - | “Ўзагросуғурта” компанияси раиси. |

VI. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида

Банк тафтиш комиссияси аъзолари янги таркибда тасдиқлансин:

- | | | | |
|----|----------------|---|---|
| 1. | Закиров Х.У. | - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи ўринбосари – давлат активлари бўйича даромадлар тушумини тартибга солиш ва назорат қилиш бўлим бошлиғи |
| 2. | Туляганов Ф.А. | - | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш бошқармаси бош мутахассиси |
| 3. | Сайдилов И.К. | - | “Ўзпахтасаноат” уюшмаси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва акциялаштириш бўлими бошлиғи. |

VII. Банк Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида

1. Бошқарув раиси Абдиваҳоб Улашбаевич Тамикаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга 2015 йил 20-июнга қадар узайтирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.

VIII. Банкнинг янги таҳрирдаги Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши, банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомлари ва банкнинг Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ҳамда банкнинг Тафтиш комиссияси, Санок комиссияси, Умумий захира фонди, Капиталлашув жамғармаси тўғрисидаги Низомларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

1. “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг янги тахрирдаги Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши, банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомлари ва банкнинг Ташкилий тузилмаси ҳамда Тафтиш комиссияси, Санок комиссияси, Умумий заҳира фонди, Капиталлашув жамғармаси тўғрисидаги Низомларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви зиммасига банкнинг янги тахрирдаги уставини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

Йиғилиш раиси томонидан қун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

**Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари**

Н.Джиянов